**О Л Д И – С О Т Д И  Ш А Р Т Н О М А С И № 8/3**

**лот № __________**

**Самарканд шахри** **“ 19 ” « 01 » 2022 йил**

**«Самарканд Дори-Дармон» АЖ.** кейинги ўринларда «Сотувчи» деб юритилади, номидан жамият рахбари Шерматов Ф.А., жамиятнинг Устави асосида харакат килиб, бир томондан ва **Р.И.Т.О.И.А.Т.М.С.Ф.** кейинги ўринларда «Харидор» деб юритилади, номидан шифохона бош врачи **Маматкулов О.Х.**, шифохона **Устави** асосида харакат килиб, иккинчи томонидан, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

1.1. «Сотувчи» мулк хукуки асосида ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан «Харидор»га ушбу шартномада кўрсатилган муддат ичида Узбекистон Республикасида амалда булган стандартларга мувофик сифатда етказиб бериш, «Харидор» эса мазкур товар(маҳсулот)ни кабул килиш ва товарнинг киймати ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (махсулотлар) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи сум | ҚҚС ставкаси | ҚҚС суммаси | Баҳоси сум |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Омнопон 2% 1,0 | ам | 100 | 8480 | | ҚҚСсиз | 848 000 |
| 2 | Фентанил 5мкг/мл 2,0 | ампл | 150 | 3254 | | ҚҚСсиз | 488100 |
| 3 | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | |
| 7 | | | | | | | |
| 8 | | | | | | | |
| 9 | | | | | | | |
| 10 | | | | | | | |
| 11 | | | | | | | |
| X | **Жами:** | X | | | | | 1336100 |

**1.2. Шартноманинг умумий киймати** 1 336 100 ( бир миллион уч юз уттиз олти минг бир юз ) **сумни ташкил килади.**

**2. ТОВАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ**

2.1. «Харидор» мазкур шартнома ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк куни ичида Узбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ шартнома умумий кийматининг 30% микдорида олдиндан туловни амалга ошириш, шартнома умумий кийматининг қолган 85% ни эса товарни кабул килиб олганидан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура асосида тўлаш мажбуриятини олади.

2.2. «Сотувчи» ушбу шартнома буйича 30% лик олдиндан тўлов «Сотувчи»нинг банкдаги тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 банк куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. «Сотувчи» товар(махсулот)ни Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ сифатда ва барча зарурий сертификатлари билан етказиб бериши шарт.

2.4. Харидор» «Сотувчи»нинг ваколатли вакили иштирокида етказиб берилаётган товар(махсулот)ни ушбу шартноманинг 1.1.бандида ва 2.3.бандида курсатиб утилган талабларга мувофиклигини, товар(махсулот)нинг номи, микдори хисоб-фактурага мувофиклигини текшириб кабул килиб олади.

2.5. «Сотувчи» мазкур шартномада курсатилган товар(махсулот)ни уз транспорт воситасига ортиш, «Харидор»нинг омборигача етказиб бериш ва ортиш, етказиб бериш билан боглик барча харажатларни уз хисобидан тулаш мажбуриятини олади, «Харидор» эса етказиб берилган товар(махсулот)ни уз ишчи кучлари билан, уз хисобидан тушириб олиш мажбуриятини олади.

2.6. «Харидор»нинг розилигига кўра товар(махсулот) «Сотувчи» томонидан мазкур шартномада белгиланган муддатлардан олдин хам етказиб берилиши мумкин.

2.7. Товар(махсулот)ни етказиб беришда ва уларни кабул килишда мазкур шартномада кузда тутилмаган холатлар вужудга келганида томонлар Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига амал килади.

**3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. «Харидор» ушбу шартнома буйича куйидаги хукукларга эга:

«Сотувчи»дан мазкур шартномада етказиб берилиши курсатилган товар(махсулот)ларни мазкур шартномада белгиланган муддатларда, уларнинг сифатини хамда Узбекистон Республикасида амалда булган стандартларга мувофиклигини тасдикловчи хужжатлари ва сертификатлари билан етказиб беришни талаб қилиш;

«Сотувчи»дан етказиб бериладиган товар(махсулот)ларнинг транспорт воситасига ортиш ва етказиб беришдаги транспорт харажатларини тулашни талаб килиш;

«Сотувчи»дан товар(махсулот)ларни ушбу шартномада курсатилган муддатларда, номларда, микдорларда, нархларда ва кийматда етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар(махсулот) билан уз хисобидан алмаштириб беришни талаб килиш;

- етказиб берилган товар(махсулот)ларнинг кабул килиш жараёнида аникланган камчиликларини уз хисобидан бартараф этишни талаб килиш;«Сотувчи»дан мазкур шартнома шартларини тулик бажаришни, бу шартлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада тулик бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. «Харидор» куйидаги мажбуриятларни уз зиммасига олади

- мазкур шартномага мувофиқ олдиндан туловни ва колган туловларни амалга ошириш;

-«Сотувчи» томонидан етказиб берилган товар(махсулот)ни ушбу шартнома талабларига мувофик қабул қилиб олиш хамда асоссиз равишда кабул килишдан бош тортиш холатларига йўл куймаслик;

- мазкур шартнома шартларини тулик бажариш;

3.3. «Сотувчи» қуйидаги хуқуқларга эга:

- «Харидор»дан мазкур шартнома буйича олдиндан тўловни ва етказиб берилган товар(махсулот) учун якуний ҳисоб-китоблар буйича колган туловларни ушбу шартномада хамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;- «Харидор»дан мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товар(махсулот)ни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш;

- «Харидор»нинг розилиги билан товар(махсулот)ни ушбу шартномада белгиланган муддатлардан олдин етказиб бериш;

3.4. «Сотувчи» куйидаги мажжбуриятларни уз зиммасига олади:

- «Харидор»га товар(махсулот)ни мазкур шартномада белгиланган номларда, белгиланган муддатларда, миқдорларда, нархларда ва кийматда етказиб бериш;

- «Харидор»га етказиб бериладиган товар(махсулот)нинг Узбекистон Республикасида амал киладиган стандартларга мувофик булишини, сифати замонавий талабларга жавоб беришини таъминлаш, сертификатланадиган товар(махсулот)ни сертификати билан етказиб бериш, товар(махсулот)нинг сифатсизлиги «Харидор» томонидан такдим этилган хужжатлар билан исботланганда уни сифатлиси билан уз хисобидан алмаштириб бериш, етказиб берилган товар(махсулот)ларнинг кабул килиш жараёнида аникланган камчиликларини уз хисобидан 10 календар кунидан ошмаган муддат ичида бартараф этиш, мазкур шартнома шартларини тулик бажариш, бу шартлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада тулик бажарилмаганлиги натижасида «Харидор»га етказилган зарарни қоплаб бериш.

3.5. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларни тулик бажарган тақдирда ушбу шартнома бажарилган ҳисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товар(махсулот)ни кабул килиб олмаслик, шунингдек, «Сотувчи» томонидан ушбу шартномада белгиланган муддатда етказиб берилган товар(махсулот)ни кабул килишни асоссиз равишда рад этганлиги учун «Харидор» «Сотувчи»га уз вактида кабул килиб олинмаган товар(махсулот) қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.2. Объектив сабабларсиз мазкур шартномада курсатилган товар(махсулот)нинг қийматини ушбу шартномада белгиланган муддатлар, тартибларда ва миқдорларда тўлашдан бош тортганлиги (газначилик булимии маъкуллаганидан сунг хам банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик ёки тегишли хужжатларни газначилик булимига уз вактида такдим этмаслик) учун «Харидор» «Сотувчи»га ўзи тўлашни рад этган ёки туловдан бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар қийматини ўз вақтида тўламаганлик учун «Харидор» «Сотувчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир банк куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима тўлайди. Мазкур жариманинг туланиши «Харидор»ни кабул килинган ва тулови кечиктирилган суммани тулаш мажбуриятидан озод этмайди.

4.3. «Сотувчи» еткизиб берилган товар(махсулот) сифати, номлари, нави буйича Узбекистон Республикасида амалда булган стандартларга, техник шартларга, намуналарга (эталонларга), Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги билан назарда тутилган бошка шартларга мос келмаганлиги учун «Харидор» уларни бошка шу талабларга жавоб берадиганлари билан алмаштириб беришни талаб килганда, уларни уз хисобидан алмаштириб беради ва шу товар(махсулот) кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тулайди.

4.4. Товар(махсулот)ни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган ва тўлиқ етказиб берилмаган холларда «Сотувчи» «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилиши кечиктирилган товар(махсулот), тулик етказиб берилмаган товар(махсулот) кийматининг 0,5 фоизи миқдорида жарима тўлайди, бироқ бунда жариманинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар(махсулот) кийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Мазкур жаримани тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш, тулик етказиб берилмаган товар(махсулот)ни тулик етказиб бериш мажбуриятларидан озод этмайди.

4.6. Сертификатланмаган, марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товар(махсулот)ни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товар(махсулот)ни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товар(махсулот)ни етказиб берганлик учун «Сотувчи» «Харидор»га бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

## 5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1.Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда томонлар бу низоларни ва келишмовчиликларни узаро музокаралар йўли билан ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Узаро музокаралар йўли билан келишмовчилик ва баҳслар ҳал этилмаган холларда томонлар хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, низоли иш даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чикади

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралидаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31” декабргача амал қилади.

8.2. Мазкур шартнома бир ой олдин ёзма равишда иккинчи томонга маълум килинган холда бир томонлама бекор килиниши мумкин.

8.3. Ушбу шартнома томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда тулик бажарилган ҳисобланади..3. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши томонларни шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| «Сотувчи» | «Харидор» |
|---|---|
| **“Самарканд Дори-Дармон” АЖ**<br>**Манзили :** Самарканд вилоят.Пастдаргом тумани Димишкиболо КФЙ<br>**Телефон раками:** 66-225-02-73<br>**Факс:** 66-225-02-73<br>**СТИР:** 200610747<br>**ОКОНХ:** 71212<br>**Х/Р** :20208000600307673001<br>**Банк номи:** ОАКБ«Алока банк»<br>**МФО:** 00985<br>**Рахбар :** ________ **Шерматов Ф.А..**<br>М.Ў. (имзо)<br>***Ҳуқуқшунос*** ________ | **Р.И.Т.О.И.А.Т.М.С.Ф**<br>**Манзили:** Самарканд шахри, Кози Зода Румий-73<br>**Телефон раками:** 66 240-15-25<br>**Хисоб раками** 401421860184017073201054002<br><br>**СТИР:** 201842520<br>**ОКОНХ:** 91511<br>Самарканд вилояти буйича Ғазначилик бошкармаси Ғазна<br>**х/р** 23402000300100001010<br>**Банкнинг номи:** Марказий банк Тошкент шахар ХККМ<br>**МФО:**00014<br>**СТИРи:** 201122919<br>**Рахбар:** ________ **Маматкулов О.Х.**<br>М.Ў. (имзо) |